

ПАРИЖ ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН XVII ЁЗГИ ПАРАЛИМПИА УЙИНЛАРИДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

БУЮК ҚОМУСИЙ ОЛИМ ВА МАШҲУР ДАВЛАТ АРБОБИ МИРЗО УЛУҒБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 630 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ПЛАТФОРМА

Сўз — иштирокчиларга

идидаги
янада

ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда минтақа мамлакатлари маҳаллий вакиллик органларининг ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Бугунги кунда бу жудаам долзарб. Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ҳудуд бюджети, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда ҳамда улар бажарилишини назорат қилишда фаол иштирок этувчи институт бўлиб, унинг имконият ва салоҳиятидан унумли фойдаланиш фақат ва фақат фойда келтиради.

Шу ўринда форумни юқори даражада ташкил этган Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати ҳамда Қонунчилик палатасига миннатдорлик билдирамиз.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
Одилжон ОДАМБОВ**
(«Халқ сўзи»).

Яқинда Туркиянинг Трабзон шаҳрида Ўзбекистон фахрий консулхонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

КАМБАҒАЛЛИКДАН — ФАРОВОНЛИК САРИ

ЭЗГУ ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЯНАДА ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР БЎЛАМИЗ

Президентимиз раислигида 11 сентябрь кўни камбағалликни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида халқимиз турмуш даражасини ошириш, ижтимоий ҳимоя қамровини кенгайтириш, маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш, камбағал оилалар билан ишлашда янгида ёндашув ва миллий тажрибани шакллантириш борасидаги масалалар атрофлича таҳлил қилиниб, янги вазифалар белгилаб берилди.



ган муаммолар хусусида йиғилишда атроф-лича тўхталиб ўтилди. Белгиланганидек, эн-дликда ишсиз ва камбағал кишилар бирор касб-хунарда ўқитилади. Шунингдек, бу жа-раёнда номигагина сертификат олиш билан чекланмаслик керак. Машгулотлар аниқ жадвал асосида ўтказилиб, астойдил касб ўргатилиши зарур. Ана шундагина кўзланган мақсад-муддаога эришилади.

Биламизки, бундан икки йил аввал Президент Фармони билан умумий овқатла-ниш соҳасидаги тадбиркорларга ижтимоий со-лиқда имтиёз берилган эди. Бунинг натижа-сида қатор қорхоналарда — Тошкент, Самар-қанд ва Андижонда 2 минг одам ишли бўлди. Шу имтиёз яна 2 йилга узайтириб берилса, тадбиркорлар ўн минглаб эҳтиёжманд аҳоли-ни иш билан таъминлашга тайёр.

Йиғилишда агар қорхоналар камбағал аҳоли-ни банд қилса, ўша ишчи ижтимоий солиқда имтиёз яна уч йилга сакланиб қолиниши, ушбу имтиёз нафақат тўқимачиликка, балки барча соҳадаги қорхоналарга берилиши айтилди. Бу орқали эса тўқимачилик, қурилиш материалла-ри, чарм-пойабзал, электр техникаси, озиқ-овқат, қорвачилик ва қурилиш тармоқларида ўз минглаб камбағал аҳолини ишли қилиш мумкин.

жиҳатдан олиб қаралганда, бу соҳадаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш учун "Камбағалликдан — фаровонлик сари" дас-тури тайёрланмоқда. Унда еттига имконият ва масъулият тамойили асосида Ўзбекистон-нинг навбатдаги янги ёндашувлари бел-гилаб берилди.

Энг муҳими, бугун замон тақозо этаётгани-дек, камбағалликни қисқартириш умуммиллий ҳаракатга айланди. Бу — ҳар биримиз, шу юртинг фарзандиман деган ғуқаро борки, камбағалликни қисқартиришга ўз ҳиссасини қўшмоғи шарт дегани. Қисқача айтганда, ана шундай савобли ҳаракатларимиз билан барча-миз ҳақуқий ватанпарварлик намунасини кўрса-тамиз.

Бу борада ЎзЛиДеП фаоллари ҳам юрти-миздаги камбағаллик кўламини икки қарра ка-майитириш, аҳолини тадбиркорликка жалб қилишнинг маҳаллабай дастурларини ишлаб чиқишни келгуси беш йилликдаги устувор ва-зифа этиб белгиланган. Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан бу борада белгиланган ва-зифаларни тўла-тўсис қўллаб-қувватлаймиз. Ушбу хайрли ва эзгу вазифаларни амалга оши-ришда партиямиз доим фаол ва ташаббускор бўлади.

Ақтам ҲАЙТОВ,
Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси.

Муносабат

Йиғилишда бир йил давомида 50 минг гек-тар ер 100 мингга камбағал оилага бўлиб берилиши айтиб ўтилди. Бу ерларда "компа-ния — кооператив — деҳқон ҳўжалиги" та-моийили асосида деҳқончилик ва боғдорчилик ташкил этилиши белгиланмоқда. Яъни бунда ердан уч хил даромад олинадиган янги ти-зим яратилди.

Қувонарлиси шундаки, бугунги кунда ҳов-лисидаги бир парча томорқасида ишлаб, ўз оиласи ва бошқа кўни-кўшиларига ёрдам бе-раётган юртдошларимиз сафи кенгайиб бор-моқда. Хусусан, ўтган икки йилда 260 минг гектар ер майдонлари 800 мингдан зиёд ёшларга берилган эди. Бу тажриба ўзини

ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШГА ҚАРАТИЛГАН УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТ



Бундан ташқари, ижти-моий ҳимоя тизими кучайиб, давлат кўмагига муҳтож оилаларга сифатли хизматлар кўрсатиш кўлами кескин ошди. Натижада 2 миллион 300 мингдан зиёд муҳтож оилалар, хотин-қизлар, ёлғиз қасалар ва ноғи-ронлиги бўлган шахслар қафолатлан-ган ижтимоий ҳимоя билан қамраб олинди. Бу — 2017 йилдагига нисба-тан 4 баробар кўп, демакдир.

Шу ўринда, ислохотларнинг яна бир ютуғи ҳақида тўхталиш жоиз. Гап шун-даки, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, юртимизда болаларнинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб қамол топишига устувор аҳамият қарати-ляпти. Хусусан, кейинги йилларда болаларнинг мактабгача таълим билан қамров даражаси 27 фоиздан 74 фо-изга етказилди. Улар ўртасидаги кам-бағаллик даражаси охириги уч йилда 22 фоиздан 14 фоизга пасайди. Бун-дан ташқари, ёшларни юқори даро-мадли ва замонавий касбларга ўқитиш бўйича кенг кўламли ишлар уддалан-моқда. Масалан, "Бир миллион дас-турчи" лойиҳаси амалга оширилди, ҳар бир туманда IT марказлар фаолияти йўлга қўйилди. Умуман, сўнгги уч йил-да мамлакатимизда кўмакка муҳтож 3 миллион аҳолининг турмуш шaroити яхшиланди ва камбағаллик даражаси 17 фоиздан 11 фоизга тушди.

Билим ва ақл билан фаровонлик сари

Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлаката. Юртимизда ўқиш, ишлаш, маълум касбга ёки хўнарга эга бўлиш учун барча шарoит яратилган. Аммо шунча имкониятларга қарамай Бата-нимизнинг асосий меҳнат бозорини банд қилаётган ёшлар орасида "чет эл орзуси" оммалашгани, камбағал деб эътироф этилган аҳоли қатламининг ишсизликдан азият чекаётгани тез-тез қўлгомишимизга чалиниб туради.

Хўш, Ўзбекистон табийи ва меҳнат ресурсларига бой мамлакат экан, унда нега республикада ҳам даромадли одамлар учраб туради? Бизнингча, бу-нинг биринчи сабаби, собиқ иттифоқ-да улгайган кўпчилик одамлар бой бўлишсини айб деб ҳисоблашарди. Кат-та даромадга эга бўлган ҳар бир киши — душман, деган фикр оммавий онгда мустаҳкамланди. Бойлик орттириш, тадбиркорлик қилишга интилганларга "чайковчи" тамгаси ёпиштирилди. Мус-тақуллиқнинг дастлабки йилларидаги қийинчиликлар, кўпплаб завод ва қорхоналарнинг ёпилиши, ойлик маошлар ва нархлар орасидаги тафо-вутнинг баландлиги ҳам кўпчиликнинг турмушини оғирлаштириб юборди.

Бугун вазиятни ўзгартириш учун таълимга нажоткор куч, деб қарапай-миз. Президент ташаббуси билан таъ-лим-тарбияни болалар боғчасидан бошлаяёмиз, чунки шунда улар иштиёқ билан ўқийди ва яхши ҳаёт учун, оила-си фаровонлиги учун ишлайди.

Мамлакатдаги оммавий қашшоқлик-нинг асосий ижтимоий-сиёсий сабаб-ларидан яна бири — коррупция. У "яширин иктисодиёт"ни кучайтиради, бюджет тушумини қамайтиради, дав-лат кучини сусайтиради, монополист-ларга имтиёзлар бериб, рақобатни

оқлаганини минг-минглаб юртдошларимиз доимий даромад манбаига эга бўлгани мисолида кўрдик. Қолаверса, аҳоли билан учрашувларимиз чоғида амин бўлдики, фуқаролар ўзларига ажратилган ерлардан самарали фойдаланмоқда.

Узоққа бормайлик, ҳозирги кунда 3 — 5 миллион сўмгача ойлик маош бераман, деб турган қорхоналарда 250 мингга яқин бўш иш ўринлари бор. Лекин йиғилишда айтиб ўтилганидек, камбағал оилалардан 35 фои-зининг ишга лаёқатли аъзоларида билим ва кўникма камлиги қатор муаммоларни келти-риб чиқармоқда.

Бундан кўринадики, иш бору меҳнат қилишга лаёқат йўқ. Яна бир ачинарли жи-ҳат, кадрлар малакаси, укуви талаб дара-жасида эмаслигидир. Бу каби йиғилиб қол-

вожланмаган, қонун топталган юрт эса равнак топмайди.

Бекорчилик энг зарарли офатлар-дан биридир. Ақли инсон бу ҳаётда бекор турмайди, бўш вақтини зое кет-казмайди, аксинча фойдала ишларга сарфлайди. Камбағаллик айб эмас, аммо у ялқовлик сабабидан келган бўлса, катта айбдир. Дунёнинг ободлиги эса фақат яхши амаллар билан, меҳнат ва тадбир билан ҳосил бўлади.

Айтайлик, орамизда ҳали-хануз то-морқасидан унумли фойдаланишни билмайдиганлар оз эмас. Ўн сотиқ жойга тўртта дарахт экиб, ерга кет-мон урмаслик ёки катта майдонга фа-қат ҳўжори ва беда экиб қўйиш билан иш битмайди. Биз одамлар томорқа-да умуман ишламаяпти, деган қараш-дан йироқмиз, лекин имкониятнинг кат-та қисmini бой бераётганимиз ҳам аччиқ ҳақиқат. Ахир ҳайҳотдек томор-қаси бўла туриб, рўзгорини тебратол-

оширишга хизмат қилиши керак. Пи-ровард маррамиз — экспорт. Илмий асосланган, стандартларга мос маҳ-сулот чиқаришса, бозор топилади. Бу фикрлар замирида қишлоқ ҳўжалиги-даги бугунги сиёсат, бугунги вазифа-лар ифодаланган.

Дарҳақиқат, илмий асосларга суянсақ, хато қилмаймиз, ҳосилимиз мул ва сифатли, экспортбоп бўлади, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлана-ди. Фермерми, деҳқон ҳўжалиги ёки томорқа эгасими, манфаат кўради. Бирок буни ҳамма англаш ва бунга амал қилиши учун кенг кўламли тар-ғибот-ташвиқот ишларини, жойларда мутахассисларнинг амалий ёрдамини кучайтириш керак. Ҳудудлар тупроғи, иқлим шарoитига қараб муайян соҳа-ларга иктисослаштирилмоқда. Қаерда-дир боғдорчилик, қаердадир полиз маҳсулотлари етиштириш бўйича ил-мий ёндашувга киришилди. Бугун ерга билим, ақл билан ёндашув бошланди.

“Мамлакатимизда аҳолини камбағалликдан чиқариш, жумладан, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, касб-хўнарга ўргатиш, янги иш ўринлари яратиш, бизнесга доир билимни ошириш ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун кўмаклашиш бўйича муҳим лойиҳалар, таъбир жоиз бўлса, тарихий ислохотлар бошланди. Ўзбекистон масаласида кўп томонлама ёндашмоқда. Ўрганилган хориж тажрибаси ва мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, юртимизда камбағалликни қисқартиришга қаратилган меъёрий-ҳўқуқий базани шакллантириш бўйича зарур ҳўжжатлар имзоланди.”

май юрганлар борлиги рост-ку.

Астойдил интилган, қизиккан киши учун томорқа — қони фойда. Бир қўшимчимизнинг 5 сотиқ ерида помидор етиштирадиган иссиқхонаси бор. Бир йилда 50 — 60 миллион сўм фойда олади. Яна денг, ҳовлисида мол-ҳол, паррандалари бор. Ўз рўзгорини ўзи тебратад, боқиманда эмас. Айтомқ-чимизки, қишлоқ ҳўжалигида кўп деп-синишлар бўлди, ерга ҳўжасизларча му-носабат давом этди. Буларнинг оқибати-ни изохлаб ўтиришга ҳўжат бўлмаска керак. Агар қишлоқ ҳўжалигига илмий ёндашиб, ишчимизни дунёнинг илғор тажрибалари асосида юрита олгани-мизда, мутасаддилар ерга ҳиёнат қил-маганда, ер билан боғлиқ коррупция авж олгандада, бугун иктисодиётимиз ҳам, ҳаётимиз ҳам хозиргидан бир неча баробар юқори бўларди.

Бу аччиқ ҳақиқатлар бизга ҳар қан-дай ишчи чўқур ўйлаб, ҳар томонлама ҳисоб-китоб қилиб, бошқалар тажри-басини ўрганиб, сўнг бошладан сабоқ бермоқда. Бўйрққ бериш осон, аммо етарли илмий асосга эга бўлмаган бўй-руқлар оқибатини бартараф этиш жууда мураккаб бўлишини ҳам кўрдик.

Ҳар бир ишга илмий ёндашув зарур

Бугун дунё иктисодиёти коронави-рус пандемияси оқибатида беҳисоб зиён қўлди, озиқ-овқат хавфсизлиги жиддий муаммога айланиб, бу масала ривожланган давлатларни ҳам ташвиш-ча соломқода. Юзга келган синовлар-дан ҳар қим мавжуд имконияти ва тан-лаган йўлига яраша чиқади, албатта. Аммо озиқ-овқат масаласи ерга, қишлоқ ҳўжалигига боғлиқлигини ин-кор этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бугун қишлоқ ҳўжалигини ривожлан-тириш, бу соҳадаги имкониятларимиз-дан самарали фойдаланишга қаратил-ган стратегия ишлаб чиқирилиб, уни амалга ошириш йўлидан боришмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, қишлоқ ҳўжалигини илм билан қил-масак, ҳаражатларимиз натижа бермайди. Ҳар бир лойиҳа манфаат-дорлиқни таъминлаш, рентабеллиқни

Маҳалла — ҳудудлар ривожланишининг асосий бўғини

Мамлакатимизда аҳолини камба-ғалликдан чиқариш, жумладан, улар-ни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, касб-хўнарга ўргатиш, иш ўринлари

Умуман, Ўзбекистонда камбағаллик даражасини қисқартириш бўйича амалга оширилаётган миллий модель ўзига хослиги ва кенг кўламлилиги, олдиндан вужудга келиши мумкин бўлган ижтимоий хавф-хатарларга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани билан ажралиб туради. Бундай саъй-ҳаракатлар эса камбағалликни кескин қамайтириш учун муҳим замин бўлиб хизмат қилаётди. Айни чоғда камбағалликни қамайитиришда энг илғор хорижий тажрибалар кенг қўлланилиши, ҳар бир муҳтож оилага манзилли кириб бориш ҳам долзарб муаммоларга самарали ечим топишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

яратиш, бизнесга доир билимини ошириш ва тадбиркорлик фаолияти-ни бошлаши учун кўмаклашиш бўйи-ча муҳим лойиҳалар, таъбир жоиз бўлса, тарихий ислохотлар бошлан-ди. Ўзбекистон масаласида кўп томон-лама ёндашмоқда. Ўрганилган хориж тажрибаси ва мавжуд вазиятдан ке-либ чиқиб, юртимизда камбағаллик-ни қисқартиришга қаратилган меъ-ёрий-ҳўқуқий базани шакллантириш бўйича зарур ҳўжатлар имзоланди. Хусусан, 2020 — 2023 йилларда Президентимизнинг мамлакатда кам-бағалликни қисқартиришга қаратил-ган 30 дан ортиқ Фармон ва қарор-лари, Вазирлар Маҳкамасининг 20 дан ортиқ қарорлари қабул қилин-ди. Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар асосида камбағалликни қисқарти-ришнинг институционал асослари яратилиб, ушбу масалаларни муво-фиқлаштирувчи вазирлик ҳамда шу йўналишда илмий тадқиқот ишлари-ни олиб борувчи илмий марказ таш-кил этилди. Фаолияти, асосан, кам-бағалликка қарши курашиш бўлган бир қатор таркибий тузилмалар шакллантирилди.

Камбағалликни қисқартириш соҳа-сидаги ўзига хос ва хорижий мамла-катлардан тубдан фарқ қиладиган жи-ҳат — юртимизда маҳалла институти мавжудлиги. Ўзини ўзи бошқариш-нинг мазкур ноёб тузилмаси жамият бошқарувининг энг қўйи таянч бўғи-ни ҳисобланади. Шу сабабли маҳал-ладаги ислохотлар аҳоли фаровон-лигини таъминлаш ва камбағаллик-ни қисқартириш самарадорлигига бево-сита таъсир этади. Ҳар бир оиланинг турмуш даражасини мо-ниторинг қилиш орқали яшаш ша-роити, асосий ижтимоий хизматлар-га эҳтиёжларини аниқлаш имкони мавжуд.

Шунинг учун камбағаллик кўла-мини объектив баҳолаш, монито-ринг қилиш, аниқ чора-тадбирлар-ни амалга оширишда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти жуذا катта. Айни шу сабабли 2019 йил май ойида маҳалла бўйича баҳолаш ва шаф-фофилик асосида ижтимоий ҳимоя-га муҳтожлар рўйхати — “темир дафтар” юритилиши йўлга қўйилди. Кейинчилик муҳтож аҳоли рўйхати-ни аниқлаштириш мақсадида “аёл-лар дафтари” ва “ёшлар дафтари” шакллантирилди. Қишлоқда камба-ғал оилаларнинг нисбатдан кўплиги-ни ҳисобга олган ҳолда уларга қўшимча ер ажратиб берилди.

Камбағалликни қисқартиришга қаратилган миллий механизмнинг яратилиши ўзининг ижобий натижа-ларини бера бошлади. Камбағал оилаларни иш билан таъминлашда саноат ва хизмат соҳаларини юқори суръатларда ривожлантириш бўйича мақсадли давлат дастурлари ишлаб чиқирилиб, уларни ҳаётга таъбиқ этиш-да муайян ютуқларга эришилди. Жум-ладан, ҳудудларда 400 дан ортиқ ки-чик саноат зоналари ташкил қили-ниб, уларда мингдан зиёд лойиҳа-лар бажарилиди. Илгари саноат қор-хоналари мавжуд бўлмаган 11 та тум-анда 205 та янги қорхона ишга туширилди.

Саидасерр ҒУЛОМОВ,
Тошкент давлат аграр университетининг профессори,
Агросаноат иктисодиётини рақамлаштириш
илмий мактаби раҳбари.

Ўзбекистон — Индонезия:

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ФАОЛЛАШАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Эркин Салихов ва бир гуруҳ депутатларнинг Индонезия Республикаси Ҳалқ вакиллари палатасининг Парламентларо ҳамкорлик қўмитаси раиси ўринбосари Путу Супадма Рудана бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув

Унда меҳмонларга мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, янги тахрирдаги Конституция нормаларини рўёбга чиқариш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳамда Қонунчилик палатаси, сиёсий партиялар, уларнинг қўйи палатадаги фракциялари, шу-нингдек, қўмиталар фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Ўз навбатида, Путу Супадма Рудана илиқ ва дўстона муносабат учун миннатдорлик билди-риб, сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган муво-занатли, очиқ ва конструктив ташқи сиёсат халқро ҳамжамият томонидан юқори баҳола-наётганини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда муҳим омили бўлган парламентларо ҳамкор-лиқни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳар томонлама манфаатли эканини қайд этди.

Учрашув давомида мамлакатларимиз ўрта-сида сиёсий ва иктисодий йўналишлардаги му-лоқотларнинг фаоллашгани ижобий баҳоланиб, инвестиция, маданий-гуманитар ҳамда савдо соҳаларидаги алоқаларни мустаҳкамлашда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ма-салалари атрофлича муҳокама қилинди.

Конструктив ва ўзаро ишонч руҳида ўтган учрашувда парламентларо мулоқотни турли даражада фаоллаштириш, туризм салоҳияти ва имкониятларини юқори босқичга олиб чиқиш ҳамда янги мазмун билан бойитиш юзасидан қизгин фикр алмашилди.

Учрашувда томонларни қизиктирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА ГЛОБАЛ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов бошчилигидаги делегация Хитой Халқ Республикасига ташриф буюрди.

Ушбу ташриф давомида делегация аъзола-ри ХХР Жамоат хавфсизлиги вазирлиги томо-нидан Лянжонган шаҳрида ташкил этилган “Ўзга-рувчан шароитларда галаба қозонган ҳамкор-лик: глобал жамоат хавфсизлиги ҳамжамияти-ни қуриш” мавзuidaги ҳамкорлик форумида қатнашди.

Эълиқдан ортиқ давлатлардан тўрт юзга яқин мутахассислар, шунингдек, БМТ, ШХТ, Интер-пол ва бошқа халқро ташкилотлар вакиллари иштирок этган форумда қатнашчилар томони-дан глобал жамоат хавфсизлиги соҳасидаги долзарб муаммолар ҳамда уларнинг ечимла-ри, минтақада қўп қиррали ҳамкорлиқни янада кенгайтириш, жумладан, соҳа мутахассислари ўртасида мулоқотни ривожлантириш, хавфсиз-лиқни оид қўшма дастур ҳамда лойиҳаларни илгари суриш, замонавий таҳдид ва хатарлар-га қарши чора кўриш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вази-ри, генерал-лейтенант П. Бобожонов билан бирга “Марказий Осиё — Хитой” форматидagi ички ишлар ва жамоат хавфсизлиги вазирлари ушбу йиғилишда қатнашди.

Унда томонлар жиноятчиликка қарши ку-рашиш ҳамда жамоат хавфсизлиги бўйича ҳам-корлиқни рағбатлантириш, ҳуқуқ-тартибот йўна-лишда идораларо ҳам ва тармоқларо муво-фиқлаштириш механизмини яратиш ҳамда ўзаро тажриба алмаштиш, шунингдек, минтақа-да бирдамлик ҳамда ҳамжиҳатлиқни мус-таҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорлиқни кен-гайтириш масалаларини таҳлил қилишди.

Тадбир якунида “Марказий Осиё — Хитой” йиғилишининг баённомаси имзоланди.

Ташриф давомида П. Бобожонов Хитой Дав-лат кенгаши аъзоси — Жамоат хавфсизлиги вазири, полиция генерали Ван Сяохун билан учрашди. Унда томонлар шу йил апрель ойида Тошкент шаҳрида имзоланган икки вазирлик ўртасида 2024-2025 йилларга мўлжалланган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги дастур ижроси, шунингдек, терроризм ва экстремизм, гиёҳ-вандлик моддаларининг ноқонуний савдоси ҳамда бошқа турдаги трансмиллий жиноятлар-га қарши курашишда ҳамкорлиқни кучайтириш, кибержиноятларга қарши курашиш ва рақамли криминалистика йўналишида ички ишлар орга-нлари ходимлари учун махсус ўқув курсларини ташкил этиш билан боғлиқ долзарб масала-ларни муҳокама қилди.

Учрашув сўнгига ўзаро ҳамкорлиқни ривож-лантириш борасида истиқболли вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

МАТОНАТЛИ АТЛЕТЛАРИМИЗ ҒАЛАБАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ГҮЛДАСТА



ОЛИМП УЗРА ҲИЛПИРАР
ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ

Кўлга киритилган ҳар бир ғалабани халқимиз зўр қувонч билан кутиб олди, нурунийлар шукроналик ила дуо қилди, ёшлар қалбида ватанпарварлик ҳисси жўш

Франция маркази Париж шаҳрида бўлиб ўтган XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида мамлакатимиз атлетлари бекиёс маҳорат, матонат ва ирода кўрсатиб, миллий спортимиз тарихида янги саҳифа очди, десак, айни ҳақиқат. Бу натижаларга, айниқса, жонажон Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллик байрами олдидан эришилгани янада аҳамиятли бўлди.

Китоб жавонингизга

урди, қисқа айтганда, бу музаффарлик ҳар биримизга чексиз фахру ифтихор бағишлади. Албатта, бу ғолиблик ортида қанчадан-қанча чекилган заҳматлар, меҳнатлар турибди, юртимизда спорт соҳасини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор, ёш йигит-қизларга кўрсатилаётган ғамхўрлик муҳассам.

Ушбу тарихий натижалардан сўнг юртимизнинг ҳар маҳалласио кўчасида тўй бошланди, “Келажақда мен ҳам спортчи бўлман, юртим байроғини юксакка кўтараман” деган қатъиятли ёшлар

сафи кенгайди, айниқса, ижодкорлар ғолиблик нашидасидан айрича қувонишди — шеъру дostonлар, фахриялар битилди, мақолалар, дилсўзлар ёзилди.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида нашр қилинган “Олимп узра ҳилпираар Ўзбекистон байроғи” тўплами ана шундай ижод намуналаридан ташкил топган асар бўлди, десак, янглишмаймиз.

Давлатимиз раҳбари улкан ғалабалар билан юртимизга қайтган делегациямиз вакиллари билан 28 август куни бўлиб ўтган учрашувда ушбу тўпламни қаҳрамонларимизга тортиқ қилди.

Китоб муқаддимаси Юртбошимизнинг спортчиларга йўллаган табриги билан бошланган бўлиб, давомидан “2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги Президент қарори ўрин олган.

Шундан сўнг “Ватанимиз шаънини улугʻлаган замонамиз қаҳрамонлари” сарлавҳали мақола берилган бўлиб, унда атлетларимизнинг она диёримизда муносиб кутиб олингани, бу натижаларга эришиш йўли, машаққатлари ва сурруи ҳақида сўз боради.

Китоб 4 та бўлимдан иборат, ҳар бир қисм учун алоҳида ишлов берилган, ёш атлетларимизнинг баҳс жараёни ва ғалабага эришган чоғидаги суратлари билан безалган.

Тўпламнинг “Бу энг юксак шарафдир, бу нақада зўр гурур” номи 1-бўлимдан 40 га яқин танikli шоирларнинг тарихий зафарлардан руҳ ва илҳом олиб ёзган шеъру фахриялари жой олган.

“Бизнинг фахру гуруримиз”

номли 2-бўлимга эса бир қатор журналистларнинг мақолалари киритилган бўлиб, уларда Олимпия ўйинлари жараёнлари, ғалабалар шуқуҳи хусусида сўз юритилган.

Навбатдаги “Дўстона эътирофлар” номи 3-бўлим ҳам ўзига хос мазмун-мундарижага эга. Ундан спортчиларимиз ва халқимизнинг шонли ғалабаси билан дунёнинг турли минтақаларидан келган дилсўзлар, фикр-мулоҳаза ва мактублар ўрин эгаллаган.

“Жаҳон матбуоти саҳифаларида” деб номланган сўнгги бўлимга дунёнинг бир қатор оммавий ахборот воситаларида спортчиларимизнинг ютуқлари тўғрисида эълон қилинган энг сара мақолалар киритилган.

Умуман, мазкур тўплам ҳар биримизга чексиз қувонч бағишлаган матонатли атлетларимиз ғалабаларидан куч ва илҳом олиб, беҳад ифтихор туйиб яратилган гулдаста, десак, муволаға эмас. Ушбу китоб кўнглингиз ва кутубхонангиздан муносиб ўрин эгаллашига ишонамиз.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАҒСИЛОТЛАР

«Меҳрли мактаб»нинг янги филиали

Бухоро вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида узоқ муддат даволанаётган болалар учун “Меҳрли мактаб”нинг янги филиали очилди.



Ушбу мактаб инфратузилмаси ўзига хос тиббий талабларни ҳисобга олган ҳолда яратилган бўлиб, гипопластларнинг ускуналар, мебель ва замонавий техникалар билан жиҳозланган. Таълим жараёнида рақамлаштирилган дарсликлардан фойдаланилади. Дарслар нафақат анъанавий фанларни, балки ижодий машғулотларни ҳам ўз ичига олади. Бу эса ўқув жараёни қизиқарли ҳамда хилма-хил бўлишни таъминлайди.

Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати

Шу йилнинг 1 — 6 октябрь кунлари Корея Республикасининг Чунчон шаҳрида таэквондо WT бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Унда иштирок этиши кўзда тутилган Ўзбекистон терма жамоаси ўқув-машғулот йиғинига киришди. Мамлакат таэквондо WT ассоциациясининг базасида олиб борилаётган машғулотлар 26 сентябрга қадар давом этади. Ушбу машғулотга 20 нафар спортчи жалб қилинган.

Нодир қўлёмалар хазинаси

Маданий мерос агентлигининг Бадий экспертиза бошқармаси мутахассислари Озарбайжон Республикасининг пойтахти Боку шаҳрида илмий хизмат сафарида бўлиб қайтди.

Мутахассислар илмий сафар давомида Озарбайжон Миллий академияси Муҳаммад Фузулий номидаги қўлёмалар институти фондида сақланаётган ўзбекистонлик мутафаккир ва алломалар қаламига мансуб кўплаб асарлар билан танишиш ва маълумотлар йиғишга эришди.

Хусусан, ушбу институт фондидаги араб, форс, озарбайжон, турк ва ўзбек тилларида ёзилган 11 мингдан ортиқ қўлёмалар орасида Алишер Навоий асарларининг 70 дан ортиқ нусхалари мавжудлиги эътиборга молик.

«Халқ сўзи».

Дўстлик ришталари

ЯНА БИР ЧЕГАРА ПОСТИ ОЧИЛДИ



Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Бўстон маҳалласидаги “Учқўрғон” чегара божхона постининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда таъкидланганидек, божхона постининг ўтказувчанлик салоҳияти юқори, яъни бир кунда ўртача 10 минг нафар фуқаро, 500 тадан ортиқ юкли ҳамда 300 дан зиёд енгил автотранспорт воситалари ҳаракатланиши кутилмоқда.

Мамлакатимизнинг “Учқўрғон-автойўл” ва Қирғиз Республикасининг “Кенсай-автойўл” назорат-ўтказиш пунктлари фаолиятининг қайтадан йўлга қўйилиши нафақат Наманган ва қўшни давлатнинг Жалолобод вилоятлари аҳолиси фаровонлигини оширишга ҳисса қўшиши, балки бутун Фарғона водийсида ташқи савдо юклари ҳаракатида янги даврни бошлаб беради.

«Халқ сўзи».

ЮРТИМИЗ МУНДИАЛГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ

Шу йилнинг 14 сентябрь — 6 октябрь кунлари юртимизда футбол бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Илк бор 1989 йилда уюштирилган ушбу йирик спорт мусобақаси Ўзбекистон мезбонлигида ҳисоб бўйича унинг бор ташкил этилмоқда.



Футзал

Унда дунёнинг сараланган 24 та терма жамоаси 6 гуруҳга бўлинган ҳолда мусобақа ғолиблиги учун курашга киришади. Тақвимга биноан жаҳон чемпионатида 52 та ўйин ўтказилади. Мазкур баҳслар Тошкентдаги “Хумо арена”, Андижон ва Бухородаги университет спорт мажмуаларида бўлиб ўтади.

Ўтган йилнинг 20 сентябрида Ўзбекистон футбол ассоциацияси мундиалга юқори савияда тайёргарлик кўриш мақсадида таниқли испаниялик мутахассис Хосе Венансио Лопес билан музокара олиб борди ва яқунда у терма жамоа бош мураббийи этиб тайинланган эди.

Жамоамиз бош мураббийи куни кеча чемпионатда қатнашадиган футболчиларнинг якуний рўйхатини эълон қилди. Афсуски, терма жамоанинг кўп йиллик сардори Дилшод Раҳматов жароҳати туфайли қайдономдан ўрин олмади, унинг ўрнига таркибга Анасхон Раҳматов жалб қилинди.

Ўзбекистон футбол терма жамоасининг “ЖЧ — 2024” учун қайдономаси — **дарвозабонлар:** 1. Суннат Анваров (“Бунёдкор”), 12. Аббос Элмуродов (БМБ). **Ўйинчилар:** 2. Фазлиддин Ботиров (ОКМК), 3. Машраб Одилов (БМБ), 4. Ихтиёр Ропиев (“Оил Стар”), 5. Музаффар Аҳаджонов (БМБ), 6. Илҳом Ҳамроев (“Оил Стар”), 7. Анасхон Раҳматов

РЕКЛАМА

TOSHKENT KIMYO-TEKNOLOGIYA INSTITUTI

2025-YIL UCHUN OLIY O'QUV YURTIDAN KEYINGI TA'LIM INSTITUTIGA QUIYDAGI IXTISOSLIKLAR BO'YICHA QABUL E'LON QILADI:

TAYANCH DOKTORANTURA
(ishlab chiqarishdan ajralgan holda o'qish uchun)

02.00.05 — Sellyuloza va sellyuloza-qog'oz ishlab chiqarish kimyosi va texnologiyasi;
02.00.08 — Neft va gaz kimyosi va texnologiyasi;
02.00.09 — Tovarlar kimyosi;
02.00.13 — Noorganik moddalar va ular asosidagi materiallar texnologiyasi;
02.00.14 — Organik moddalar va ular asosidagi materiallar texnologiyasi;
02.00.15 — Silikat va qiyin eriydigan nometall materiallar texnologiyasi;
02.00.17 — Qishloq xo'jalik va oziq-ovqat mahsulotlariga ishlov berish, saqlash hamda qayta ishlash texnologiyalari va biotexnologiyasi;
09.00.02 — Ong, madaniyat va amaliyot shakllari falsafasi;
11.00.05 — Atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish.

DOKTORANTURA
02.00.08 — Neft va gaz kimyosi va texnologiyasi;

02.00.09 — Tovarlar kimyosi;
02.00.13 — Noorganik moddalar va ular asosidagi materiallar texnologiyasi;
02.00.14 — Organik moddalar va ular asosidagi materiallar texnologiyasi;
02.00.15 — Silikat va qiyin eriydigan nometall materiallar texnologiyasi;
02.00.17 — Qishloq xo'jalik va oziq-ovqat mahsulotlariga ishlov berish, saqlash hamda qayta ishlash texnologiyalari va biotexnologiyasi;
09.00.02 — Ong, madaniyat va amaliyot shakllari falsafasi.

STAJYOR-TADQIQOTCHI
02.00.05 — Sellyuloza va sellyuloza-qog'oz ishlab chiqarish kimyosi va texnologiyasi;
02.00.08 — Neft va gaz kimyosi va texnologiyasi;
02.00.13 — Noorganik moddalar va ular asosidagi materiallar texnologiyasi;
02.00.17 — Qishloq xo'jalik va oziq-ovqat mahsulotlariga ishlov berish, saqlash hamda qayta ishlash texnologiyalari va biotexnologiyasi.

Stajyor-tadqiqotchilik, tayanch doktorantura (PhD)ga o'qishga talabgorlar quyidagi hujjatlarni taqdim etadi:

ariza;
qisqacha biografik ma'lumot (obyektivka — namuna 3,5 shakl bo'yicha o'zbekcha va ruscha shaklda);
mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);
oliy ta'lim muassasasi magistraturasi diplom, oliy ma'lumot (mutaxassslik dasturlari bo'yicha) to'g'risida diplom nusxasi;
nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati, shuningdek, ularning nusxalari (kamida 1 ta maqola va 2 ta tezis);
ilmiy rahbar (konsultant)ning yozma roziligi; 3x4 sm. hajmda 4 ta fotosurat;
pasport nusxasi;
O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Davlat stipendiyasi hujjat nusxasi (mavjud bo'lsa);
til bo'yicha milliy (B1) yoki unga mos darajadagi xalqaro sertifikat.

Doktorantura (DSc)ga o'qishga talabgorlar quyidagi hujjatlarni taqdim etadi:

ariza;
qisqacha biografik ma'lumot (obyektivka, namuna bo'yicha 3,5 shakl, o'zbekcha va ruscha shaklda);
mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);
oliy ma'lumot, fan nomzodi yoxud falsafa doktori (PhD) yoki xorijiy davlatlarda unga tenglashtirilgan ilmiy darajaga ega bo'lganligi to'g'risidagi diplom nusxasi;
tadqiqot mavzusi bo'yicha ilmiy ma'ruza va fan doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan doktorlik dissertatsiyasi rejasining batfsil loyihasi;
nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati, shuningdek,

ularning nusxalari (kamida 3 ta maqola va 2 ta tezis);
ilmiy rahbar (konsultant)ning yozma roziligi; 3x4 sm. hajmda 4 ta fotosurat;
pasport nusxasi;
ilmiy yutuqlari (O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Davlat stipendiyasi hujjat nusxasi);
til bo'yicha milliy (B1) yoki unga mos darajadagi xalqaro sertifikat.
Barcha hujjatlar pdf shaklida tayyorlanib, oliy ta'limdan keyingi ta'limni muvofiqlashtiruvchi Yagona elektron tizimi (<http://daraja.ilmiy.uz>) orqali ro'yxatdan o'tgan holda yuboriladi.

Hujjatlar 2024-yil 15-sentabrda 15-oktabrgacha qabul qilinadi.
Kirish imtihonlari 2024-yilning 1 — 25-noyabr kunlari bo'lib o'tadi.
Qo'shimcha ma'lumotlarni 71-244-39-81 telefon raqami orqali olishingiz mumkin.

Manzilimiz: Toshkent shahri, Alisher Navoiy ko'chasi, 32-uy.
Toshkent kimyo-texnologiya instituti, Doktorantura va ilmiy-tadqiqotlar bo'limi.

Ўзбекистон давлат филармонияси ижодий гуруҳи Австрияга гастроль сафари давомида ўз маданий дастурларини намоиш этди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 12 918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетаник ҳақиқатни маълумотларни юқлиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; **копибист** 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.36 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6